

Забидий / ВАҲИЙНИНГ БОШЛАНИШИ КИТОБИ / 805-ҳадис

805/1614 ва 1615 - عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا: أَنَّ أَوَّلَ شَيْءٍ بَدَأَ بِهِ - حِينَ قَدِمَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ - أَنَّهُ تَوَضَّأَ، ثُمَّ طَافَ، ثُمَّ لَمْ تَكُنْ عُمْرَةَ. ثُمَّ حَجَّ أَبُو بَكْرٍ وَعُمَرُ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا: مِثْلَهُ.

805.1614, 1615. Урва айтади:

«Оиша розияллоху анҳо менга шундай хабар берди: «Набий соллаллоху алайҳи васаллам (Маккага) келганларида биринчи қилган ишлари таҳорат олиш бўлди. Кейин тавоф қилдилар. Аммо бу умра бўлмади. Сўнгра Абу Бакр ва Умар розияллоху анхумо ҳам худди шундай ҳаж қилишди».

Кейин отам Зубайр розияллоху анху билан бирга ҳаж қилдим. Аввалги қилган иши тавоф бўлди. Кейин муҳожир ва ансорларнинг ҳам шундай қилганларини кўрдим. Онам менга хабар берганки, унинг ўзи, синглиси, Зубайр ва фалончи-фалончилар умра учун эҳром боғлашган экан. Рукни истилом қилгач, эҳромдан чиқишган экан».

Манба: hadis.islom.uz



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI